

УЛУҒБЕК ҲУСАН

Ҳаётимнинг гулисан

Шеърлар

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Уз 2
X—98

10

Юрак — юрак эмас, бўлса у дардсиз
Шеър — жўшқин дилмга сен ўзинг малҳам.

Бу сатрлар Улуғбек Ҳусаннинг «Шеър дарди»дан.
Адабиёт оламига катта умидлар билан кириб кела-
ётган бу ёш ижодкор дардсиз юракни тап олмайди.
Шеърни эса кўнгил малҳами бўлмоғини истади у.
Бу катта истак, ҳоҳишлар, шеърлар Сиз азиз мухлис-
ларга ҳам машзур бўлар деган умиддамиз.

Улуғбек. Ҳусан.
Ҳаётимнинг гулисан: Шеърлар — Т.: Ёзув-
чи, 1996. — 32 б.

10

24522
0

1997 ГБ УЗББР
А 781

Уз 2

4702620202—51
X М 362 (04)—96 қатъий буюртма — 1996.

ISBN 5—8255—0422—2

© Улуғбек Ҳусан.
«Ёзувчи» нашриёти, 1996 йил.

Тоғу тоида, дала-дашда, умуман қаерда бўлмайлик — биз яшашга, яшаб ўлмакка маҳкуммиз. Ҳаммамиз табиатнинг инжиқ болаларимиз. Қайси биримиз шаҳар сўраймиз, қайси биримиз оний лаззатлар излаймиз, қай биримиз эса шеър ёзамиз. Хаёл сураимиз, ҳаёт қирғоқларида туриб тириклик дарёсига термулиб ўтамиз.

Улуғбек Ҳусан ўйчан шоир, юрагига маънос сўз кирган. У термулишни яхши кўради. Шеърларида ҳам шу термулиш куйлари.

Зеро термулган одам — ич-ичдан куйган, ёлғонни ўлдирган олган одамдир. Шу маънода Улуғбек шеърларини ўқир экансиз, унинг самимиятига шубҳа қилмайсиз, унга ишонасиз.

Албатта ҳали йигирмага кирмаган йигитдан мукамаллик сўраб бўлмайди. Олдинда изланишлар, довонлар турибди, кечмишлар қоронғиси, умидлар ёғдусига юзма-юз келиш дақиқалари бор.

Мен азиз укамга гўзал ва яхши умидлар тилайман. Унинг номи шеърят аҳли ичра янграшини истиб қоламан.

Абдували ҚУТБИДДИН

ЎЗБЕКИСТОН, ИСТИҚЛОЛИНИГ МУБОРАК

Минг йиллик орзуйинг рўёбга чиқди,
Эй, меҳмондўст халқим, Ўзбекистопим.
Шодликдан қуёш ҳам самода балқди,
Менинг она юртим, нури жаҳопим.
Хатто дарёлар ҳам лиммо-лим тошди,
Боболарнинг руҳи сени қўллади.
Душманинг ҳасратдан йўлдан адашди,
Дўстларинг истиқлол томон йўллади.
Мен сени қутлайман истиқлол билан,
Ҳақ томон элтувчи истиқбол билан.
Асрлар ғафлатда юрган она юрт,
Ғаму ҳижрон чекиб турган она юрт.
Ҳақни ҳақ деёлмай ерга термулиб,
Азоб-уқубатлар кўрган она юрт.
Мен сени қутлайман истиқлол билан,
Эрк томон элтувчи истиқбол билан.
Вужудинг жароҳат, бағринг тўла қон,
Сен учун жоп фидо этди неча жон,
О, сен она халқим, фарзандинг Усмон,
Шайтонлар қўлида бўлди-ку қурбон,
Углинг Абдуллани қилса занжирбанд,
Шердек наъра тортиб куйлади баланд.
Мен сени қутлайман истиқлол билан,
Эрк томон элтувчи истиқбол билан.

УСТОЗ

*Уқитувчим Чори Абдуллаевга
бағишлайман*

Утирибман ёлғиз. Маънос, паришон,
Бугун шеър ишқида ёнмоқда юрак.
Туғилмоқда, устоз, янги шеър, алҳол,
Лочиндек учқуру, тонг каби мурғак.
Устоз мадҳини куйлаш ўзи бир жаҳон,
Қалбимни қамради оташ-ҳаяжон.
Юзидан нур ёғар, кўзидан зиё,
Юракда меҳр бор, қалбидир чаман,
Эли ва юртига садоқати бор,
Илмда тэнҳо у. ишда ягона,
Биздек шоғирдлари — зўр қаноти бор,
Шоғирд — фарзандлари унга парвона,
Бундайин муаллим топилағуси кам,
Ватанга садоқат — асл шиори.
Устоз етаклайди бизларни ҳар дам
Парвозга, зийга — чўққилар сари.

ҮН ЕТТИ ЁШ

Үн етти ёш — илк баҳорининг илиқ нафаси,
Үн етти ёш — муҳаббатнинг ёқимли саси,
Үн етти ёш — ёш шоирнинг шеърга ҳаваси,
Үн етти ёш — қўшиқчининг жўшқин навоси,
Үн етти ёш — поклик, ғурур, ёшлик қуёши,
Үн етти ёш — шодлигимдир, йўқдир қисси,
Үн етти ёш — баҳоримнинг возик ғунчаси,
Үн етти ёш — ҳаётимнинг илк тупунчаси,
Үн етти ёш — қувончимсан, ҳам қайғум менинг,
Үн етти ёш — илк бор айтган ўз сўзим менинг,
Үн етти ёш — юртга тушган нигоҳим менинг,
Үн етти ёш — насибамсан, туз-ноним менинг,
Үн етти ёш — нур балқиган гул ёзим менинг,
Үн етти ёш — ашъор айтган овозим менинг,
Үн етти ёш — ёрга айтган дил розим менинг,
Үн етти ёш — қалбни чертган шўх созим менинг,
Үн етти ёш — қанотимдир, парвозим менинг.
Үн етти ёш — ҳайқириқдир, тоғлар ларзада,
Үн етти ёш — оташ бўлиб ёнар лаҳзада,
Үн етти ёш — қалбимдаги сўнмас ҳиссиёт,
Үн етти ёш — курашларга этарак даъват,
Үн етти ёш — элу юртга чексиз садоқат.
Шоир ўғли Улугбекман элимга фарзанд.
Үн етти ёш — дилни дилга айлагил пайванд.

БАХМАЛ ТОҒИ

Ойқор тоғлар тепасида,
Гўзал момиқ турибди.
Ушбу гўзал ой ҳақида
Афеоналар юрибди.
Ҳеч тенги йўқ яшилликлар,
Чаманлари, гул боғлари,
Танга ором берар шаксиз,
Турна кўзли булоқлари.
Ширин сўзу меҳмоннавоз,
Сахий, дилкаш одамлари.
Есанг баҳринг очилади
Олма, анор, бодомларин.
Меҳмон келса тайёр қимиз,
Ичиб роса маст бўласиз.
Тоғлараро маза қилиб,
Лолазорга йўл оласиз.
Қалбга қувонч келтиради,
Сайраганда булбуллари.
Минг бир турда товланади,
Қизил, сариқ, оқ гуллари.
Қўшиқ айтсанг тоғдан қайтар
Қўшиқ акси садолари.
Мафтун этар тоғ қизларин
Ишва, нозик адолари.
Буркангандир Бахмал тоғи,
Кўкка бошин тираб турар.
Тўрт фасл ҳам яшнаб турар
Бахмал тоғи — Эрам боғи.

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ УЙЛАР

Ҳайвонот боғида бир кичик маймун,
Ҳар хил нағма қилиб роса кулдиран.
Хона ўртасида катта бир устун
Маймунча ҳар ёна тинмай югурар.

Мени узоқларга элтади хаёл,
Раҳмим ҳам келади маймун ҳолига.
Қафасда занжирбанд бу кичик ниҳол,
Ҳеч ким қулоқ бермас унинг зорига.

Аслида кичикдир бу мўъжаз дунё.
Ғариб ҳолин кўриб қиламиз роҳат.
Бу дунё, тириклик асли бевафо!—
Маймунининг ҳолига тушмайлик ҳеч вақт.

БАХТ ЮЛДУЗИМ ЧАРАҚЛАБ ТУРСИН...

Йиғлармидим агар дувёда,
Чин севгию чин вафо бўлса,
Ойим тиниқ осмоним узра
Бир умрга чарақлаб турса!

Ендиради гам ила ҳижрон.
Сен севсанг, у қиз боқмаса.
У қулганда ёришар осмон.
Қулгуларинг унга ёқмаса...

Еринг бўлса вафоли, дўстим,
Бирга қувнаб, бирга қуйласанг.
Маъшуқангни қўлини тутиб —
Токи, абад ишқдан сўйласанг!...

Садоқатдан сўз очсанг агар,
«Лаббай», дея чиқса у дилбар!
Вафо булоғидан сув ичиб,
Севгидан маст қуйласанг алёр!

ҲАЁТИМНИНГ ГУЛИСАН

Деразангдан сенга боқдим,
Бир боқмадинг қайрилиб.
Аста эшигинг қоқдим,
Ҳеч очмадинг — айрилиқ.

Боғимнинг булбулисан,
Эй гавҳарим, гавҳарим.
Ҳаётимнинг гулисан,
Эй Гавҳарим, Гавҳарим.

Қўлимда гул, завққа тўлиб
Ерим, сени кутаман.
Севгим, гулим қабул этсанг,
Ойни сенга тутаман.

Боғимнинг булбулисан,
Эй Гавҳарим, Гавҳарим,
Ҳаётимнинг гулисан,
Эй Гавҳарим, Гавҳарим.

Менинг учун сеп Гавҳарсан,
Мақдамидгга интизорман,
Таърифидгга сўз тополмам,
Сен борсанки, — Мен ҳам борман!

ҲУСНИДДИНИНГ ЭШАГИ

(ҳазил)

Ҳусниддинжон оқ эшакни
Бўяб қўйди тим қорага.
Йиғайин деб ем-хашакни
Ҳайдади у тоғ-дарага.

Эртасига Ҳусниддинжон
Эшагидан хабар олди.
Тоққа чиқиб жуда ҳайрон,
Оқ эшакни кўриб қолди.

Чошқиллади уйи томон,
Дадасига берди савол.
— Эшагим оқ, эҳ, дадажон,
Алмапотирибди Камол.

Дадаси дер:— Ундай эмас,
Тонгда ёмғир ёғиб ўтди.
Егавериб эшагингни
Ювиб, тоза қилиб кетди.

МЕНИ ТАШЛАБ ЎЗГАНИ СЕВДИНГ?

(Қўшиқ)

Дунё менга бўлди қоронғу,
Мен сипқардим севгидап оғу.
Тополмайман севгилим ёғду —
Мени ташлаб ўзгани севдинг?

Талпинади сенга борлигим,
Йўқотганман юрак — оромим.
Нечун мени севмайсан жопим,
Мени ташлаб ўзгани севдинг?

Бир умрга қоплар ютаман,
Фақат сени, сени кутаман.
Бу дунёдан ёлғиз ўтаман,
Мени ташлаб ўзгани севдинг?

ПУЛИНГДАН АДАШМАЙ ЯШАГИН, АХИР

Эрта кўз очди-ю булоқча шу он
Пастликка сакради билмай-сўрамай,
Жарликда дуч келди катта бир ўпқон
Домига тортди у, ўлди яшамай.
Аламдан юрак ҳам бўлди тим қора,
Ҳаётда ўз йўлиг тоцмоқ, ҳам оғир.
Булоқчадек бўлмай десанг овора,
Йўлингдан адашмай яшагин ахир.

ШУРГА БАЛҚИБ ТУРГАН ГУЗАЛ ВАТАН БУ

Қушлар учиб келди узоқ юртлардан,
Далалар фойзли — ўзга бир олам,
Сиқим тупрогингни кўзга суртаман,
Шу сиқим тупроқдан топаман малҳам.
Дарёлар ҳайқириб, тоғлар чорлайди,
Ҳуснин кўз-кўз қилиб боғлар чорлайди,
Лолалар мени ол дея кулади,
Булбуллар сайрайди, зоғлар чорлайди.
Шоир қалам ушлаб битади ашъор,
Нав ниҳол қадайди заминга деҳқон.
Яна эзгуликка чорлайди баҳор,
Садоқат тилайди инсонга — инсон.
Қалбимга ҳис берган жаннат макоп бу,
Нурда балқиб турган Ўзбекистон бу!

САККИЗЛИКЛАР

Менинг қалбимни сен билмоқчи бўлсанг,
Бир лаҳза қулоқ тут оташ юракка
Орқамдан тош отсанг, устимдан кулсанг,
Нифоқли кўзларинг тўлар тупроққа.
Билиб қўй, қалбимда оташу нур бор,
Ғийбат у ҳасратдан йироқман ўзим.
Ғийбат қилсанг шу нур сени куйдирар,
Қулоқдан чиқмасин бу айтган сўзим.

ТОғЛАРДА ҲАМ ҲАЁТ ТАШВИШИ

Тоғда тонг отмоқда оппоқ ва азиз,
Қора кун қаъридан алвон нур сочар.
Табиат гўзалдир, ардоқли лазиз;
Оламга бахтли кун уруғини сочар.
Чўққига кўз тиккан она ер, боғлар,
Заминни суғормоқ — дарёлар иши.
Дупёда кўз очар митти булоқлар
Демак тоғларда ҳам ҳаёт ташвиши.

ШЕЪР ДАРДИ

Гоҳо мунажжимдек юлдузга боқиб,
Мен тонгин интиқиб кутаман ёлғиз.
Бир лаҳза оташдек юракни ёқиб,
Қайгадир шошасан шеърим, сабабсиз.
Баъзан тутқич бермас учқур от каби,
Субҳидам соҳридек бўлурсан пайдо.
Энди туғилажак гўдак мисоли,
Оташ юрагимни қилурсан шайдо.
Нима бўлганда ҳам қолдирма ёлғиз,
Сенинг соҳринг билан яшайин ҳар дам.
Юрак-юрак эмас бўлса у дардсиз,
Шеър — жўшқин дилимга сен ўзинг малҳам.

* * *

Табиат уйғонди, дарахтда куртак,
Бунчалар серзавқсан ўрик гуллари.
Ям-яшил қир-адир тасвирсиз эртақ,
Қалбимга туташдир қишлоқ йўллари.
Сервиқор тоғлар ҳам очди оқ тўний,
Пастликда ялтирар шиддаткор дарё.
Какликлар сайрайди билмасдан тиним,
Феруза осмон ҳам сўлим, мусаффо.
Қоядан-қояга сакрайди оҳу...
Мағрур қоялар ҳам ушга писандмас,
Кўзларда чақпайди бир оташ жоду,
Мен жоду кўзларга қиламан ҳавас.
Гўзал она юртим, она табиат.
Қалбингда оташу кийганинг атлас.
Мен сиздан топаман буюк шижоат,
Мен сени севаман, бу бежиз эмас...
Табиат уйғонди,
Дарахтда куртак...

УЛКАМДАН КЕТМА, БАҲОР

Наврӯз келар гул тақиб,
Дарахтлар бутоғига.
Булут марварид тақар,
Майсалар япроғига.


Дарёлар оқар шошиб,
Ўзапга сиғмай, тошиб.
Қушлар учиб қолади.
Иссиқ юртлардан ошиб.

Бойчечак бўй кўрсатар,
Қирларда ёнар лола.
Тошдап-тошга сакрайди
Тиним билмас шалола.

Дала — зангори гилам,
Оҳ, қандайин мафтункор.
Дилларга завқ бағишлаб
Юртимдан кетма, баҳор.

ЕМҒИР САВАЛАЙДИ

Емғир савалайди она заминни.
Гулга айланмоқда тушган томчи ёп,
Опноқ булут кезар сайилгоҳларда
Юзин очмоқ учун талпинар қуёш.
Хуснин кўз-кўз қилар турфа камалак,
Бир ёнда кулади момақалди роқ.
Нор туя мисоли мастдир бу фалак,
Бир лаҳза чарақлар баҳорий чақмоқ.
Далада қамчининг кўм-кўк изи бор,
Дарёлар ишиқирар ўзанга сиғмай.
Емғир савалайди, савалар такрор.
Қалбга завқ бағишлар, садағанг кетай.
Кулиб турган қизчапинг қўлидаги,
Ниҳолда кулмоқда ям-яшил куртак.
Тоғлар ён бағрида, чўл йўлидаги,
Лолазор ёнмоқда мисоли эртак.
Емғир савалайди она Заминни,
Рақсга тушади турналар қатор,
Қуёш бош кўтарар қутлаб бу кушни,
Бизни тарк этмасин ҳаминша баҳор.
Емғир савалайди...!



РАМАЗОН АЙТИШУВЛАРИ

(Халқ термалари асосида)

Уйингизнинг орқасидан ой кўринар,
Ул кўрғоннинг эгалари бой кўринар.
Кулиб чиқса олдимизга биз хурсандмиз,
Асли эса қўлларида лой кўринар.
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.
Уйингизнинг орқасида тойнинг изи,
Ҳош чимириб кашта тикар бойнинг қизи.
Бир қиё ҳам боқмайди у биз фақирга,
Жилмаяди каштасидан олмай кўзин.
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.
Рўзани уч кун тутиб келдик Сизга,
Рўзанинг закотиини беришг бизга.
Бўсағангиз олтин бўлсин, тезроқ чиқинг,
Биз кетайлик парча нонни суртиб кўзга,
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.
Бой айтади: «Қўтошимдан қўй бераман»,
Бойвачча-чи бўхча очиб: «Тўн бераман».
Бойнинг берган қўйин роса ганг босибди,
Бойваччанинг берган тўнни чанг босибди,
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.
Мўрилардап тутун чиқар бўралашиб,
Утирманг Сиз уй ичида ўралашиб.
Рамазонни айтиб келдик аммамизга,
Аммамиз-чи қарс боғласин ҳаммамизга,
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.
Рўза кун сўйган қўйнинг гўшти қани,
Гўшт бўлмаса бўлак турган тўпи қани?
Мусулмонлар, Сиз худони ёдлар қилинг,
Танга бериб, бизларни ҳам шодлар қилинг.
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.
Маккада тош бордир асли усти қора,

Олло ўғил берсин кўзи-қоши қора,
Ҳовлингизда бўлсин доим тўй-маърака,
Ҳеч кетмасин уйингиздан қут-барака,
Моҳрамазон, Моҳрамазон, Моҳрамазон.

ИИҒИСИ ДУР, КУЛГИСИДИР ГУЛ

Бир гўзал бор қишлоғимизда,
Манглайида юлдуз чарақлар.
Гўзал келса, гулбоғимизда
Турфа гуллар нурдек ярақлар.
Ииғиси нур, кулгисидир гул,
Мен ошиқи беқарор булбул.

Юзин очса қуёш қизарар,
Тоғ ортидан чўғдек бўзарар.
У йиғласа йиғлайди олам...
Кулганида завқ олар ой ҳам.
Ииғиси нур, кулгисидир гул,
Мен ошиқи беқарор булбул.

Унинг бағри нурли бир оташ,
Шу мөҳрдан нафас оламап.
Ер бўлмаса беролмам бардош,
Езим қишдир, музлаб қоламап.
Ииғиси нур, кулгисидир гул,
Мен ошиқи беқарор булбул.

ҶОРИ КУЙЛАМОҶДА

*(Жиянларимнинг тўйида кўзлари ожиз қори
ҳаммани лол қолдириб қўшиқ куйларди).*

Бу дунё бевафо, номард табиат,
Тақдир ҳам бешафқат, бешафқат бори,
Қўшиқчи қалбида сўнмас ҳиссиёт,
Ожиз кўзлар билан турибди қори.
Унда буюклик бор, тоғдек чўнг бардош,
Кўзлари ожизу сайратади тор.
Қўшиқчи олдида мен ҳам эгдим бош,
Қўшиқ жараиглайди тошгандай анҳор.
Пардалар излайди, нозик бармоқлар,
Ҳатто лол турибди она табиат,
Унга йўл кўрсатар тошли сўқмоқлар,
Самода оллоҳ ҳам берар пиозат.
Қори куйламоқда завқ-шавққа тўлиб,
Қуёш ёгдусидек нурли оҳанглар.
Ҳофиз куйламоқда, унга жўр бўлиб,
Қўлида шу жонсиз тор ҳам жаранглар.
Менинг юракгипам отдек депсинар,
Самодаги ой ҳам боқмоқда кулиб.
Бешикдаги бола унга талпинар,
Ожиз қўшиқчини тинглар эгилиб.
Неча савдоларга гувоҳ бу дунё,
Нечовлар бесабаб кезар бесамар,
Баъзи бир кўзлари очиқлар ҳатто
Кундузи адашиб, йўлини ахтарар.
Қори куйламоқда...
Куйлар жўш уриб...

НОДОН ҚҶЗИ

(масал)

Сайр этарди ўрмонзорда якка ўзи,
Онасидап сўрамасдан нодон Қўзи.
Рўпарадап чиқиб қолди Арслон полвон,
Ғазабидап қалтирарди бор тирик жон,
Қўрққанидан Қўзичоқ ҳам қаддин букди,
Салом берди ва ёлвориб кўз ёш тўкди:
— Мен етимман отам ҳам йўқ, онам ҳам йўқ,
Ердам бер, деб бораи десам акам ҳам йўқ..
Укаларим пархуцдадир, очу хордир,
Раҳм-шафқат, шафоатга улар зордир.
Бенавомиз, шикастамиз, этинг шафқат,
Арслонларга ёрдам бермоқ доим одат.
Уч кун бўлди йўлпингизни пойлар эдим,
Бахтим борки, мана бугун сизни кўрдим.
Олиб кетинг ўзингиз-ла бермайман папд,
Сизга холис хизмат қилиб, этай хурсанд.
Кулиб қўйди, Арслон Қўзи бошин силаб,
Қўзичоқ-чи йиғлар эди нажот тилаб:
— Майли,—деди Арслон полвон, биз билан бўл,
Ели экансан, шу ўрмонда ўйна ва кул.
Фақат рухсат олмақ керак дўстим шоҳдан,
Ана шунда қутуласан оху воҳдан.
Шоҳ олдида турар эди нодон Қўзи,
Калимага келмас тили, чиқмас сўзи.
Салмоқ билан гап бошлади ўрмон шоҳи,
Қўзичоқни шу заҳоти тинди охи.
— Ким бўлди бу, жавоб беринг, дўстим Арслон,
Қайдап келди жажжи меҳмон бизлар томон.
— Бу Қўзичоқ содиқ бир қул, жуда абгор,
Не десак шу, у хизматга доим тайёр,
Берсангиз бас шу ўрмондан кичик ўтлоқ,
Биздан мудом ризо бўлур бул Қўзичоқ.

— Майли,—деди ўрмон шоҳи, беришг ўтлоқ,
Аҳволидан бўлиб туринг кўзу қулоқ.
Не ҳам дердик, етим экан, дўстим Арслон,
Жингалак соч, жажжи ўртоқ, сизнинг меҳмон.
Гул кўтариб хизмат қилсин саккиз Бўри,
Қўзичоққа ажратилсин ўрмон тўри.
Тўғри, бизни билмас экан Қўзи подон,
Гўштидан тез овқат қилсинг, ейлик шодон.
Не ҳам қилай, насиб экан эти сизга,
Суяклария чайнамоқ-чун беришг бизга...
Ота-она «болам йўқ», деб сарсон эди,
Қўзичоқни шоҳ Шер билан Арслон еди.
Ҳисса булким, ёв олдида ким нотавош,
Қазо етмай туриб умри бўлгай хазон.

ЕЛГИЗ ҚОЛДИРМАНГИЗ

О, ёлғизлик, оҳ, бу ёлғизлик, печув?—
Дўст йироқ, дил пора, кўзларим гирён.
Илҳақ жамшидлардан ёш оқар бутув,
Дардманд бола каби жигарларим хув.

Тақдир-ку кўр қози, аччиқ ҳақиқат,
Йиқилгани теппоқ энг ёмон одат.
Тоғдек буюклардан тиламам иззат,
Кутиб бўлмас дўстим, ҳар касдан шафқат.

Қалбимни тирнайди нетай, бир алам,
Тушлари бедорман юракда ўкинч,
Кел жоним, сен ўзинг бўлгайсан малҳам
Сен ёнимда бўлсанг телба руҳим тинч.

Дўстларимга ҳасад қилмайман ҳеч вақт!
Ёмон ниётлардан қиламан ҳазар,
Ҳаммага тилайман иқбол-саодат.
Елғиз қолдирманғиз шоирни дўстлар,
Бешоён — кенг олам барчага етар.

КЕЧАЛАР...

Дарё типик,
Ойпа каби,
Чўмилмоқда ой.

Мажнунтол ҳам
Зар кокилип
Ювар эгилиб.

Бир навниҳол
Сеигилисин
Кутар ҳойнаҳой,

Тол баргига
Қўлин чўзиб
турар силкиниб.

О, кечалар,
гул кечалар,
Ойдин кечалар!

Хўрсинишлар,
Энтикишлар.
Минг хил режалар.

Кимга қайғу,
кимга қувонч
бахш этар бу тун,

Тол тагида
Ер васлига
Муштоқ кечалар.

ГҒЗАЛ ҚИЗ

Сой бўйида ибo билан
Ташлар қадам гўзал қиз.
Ошиқ бўлдим ул дилдорга,
Лаблари бунча қирмиз.

Юлдуз каби ёнар кўзлар,
Сочлари товоида.
Қалбим унга талипинар,
Бўларманми ёр ёнида.

Асал томар сўзларидап,
Нур балқийди ёзларидан,
Иболари, латофати.
Ҳар боқини жон офати.

Сўзлаганда ҳаё билан
Улугбекни телба этар,
Умид ул-ки, пул ёр билан
Ҳаловатда умр ўтар.

ШАМОЛ ВА КАМОЛ

Тақ-туқ этган товушдан
Уйғониб кетди Камол.
Ҳовлида эса сокин
Гир-гир эсарди шамол.

Лиш-лиш этарди чироқ,
Ёритмас эди бироқ.
Ваҳм босди Камолни,
Жисмига кирди титроқ.

Апил-тапил кийинди,
Сўнг ҳовлига отилди.
Ҳовли эса зим-зиё.
Дилини қўрқув тилди.

Тақ-туқ этиб эшиклар
Очилар, ҳам ёпилар.
Бундай пайтда қўрқмагап
Мардлар ҳам кам топилар.

Нажот фақат онадан,
Уни чақирди Камол.
Ҳовлида-чи бепарво,
Гир-гир эсарди шамол!

* * *

Ҳассасин тополмай қидиар бир кўр,
Олам тапивишларин сеп ҳам татиб кўр.
Ожизлик қисматдир, дарди бедаво,
Ундан ҳам аянчли қалбинг бўлса кўр.

* * *

Миниб мен хаёлнинг учқур отига,
Ойга меҳмон бўлиб, само кезаман.
Лочиннинг қайрилма зўр қашотида
Юлдузлар шуурин аниқ сезаман.
Юксак самоларда муаллақ туриб,
Опа Ер, юртимга тутаман қулоқ.
Тошқинлар, тўлқинлар; ёнғинни кўриб,
Уйга ташвиш билан қайтаман ҳар чоқ.

* * *

Боғимда қизариб пишибди олма,
Ўзганинг нарсасин сўрамай олма.
Кел, дўстим, боғимда сайр қилайлик,
Меванинг таъмини татиб кўр, олма!

«МЕНИНГ БУРГУТИМ»

Қисса-ривоят

Қадим ўтган замонда,
Балаид тоғлар томонда,
Яшар эди шаҳлавон,
Елгизликдан бағри қон.
Не истаса, бор эди.
Ўзи кўп хушёр эди,
Бир ўзи яшар эди,
Эрта-кеч ишлар эди.
Бир кун ўтин терди у,
Тоғдан қучоқ ва қучоқ.
Эснаб кўкрак керди у,
Термоққа бор иштиёқ.
Бир қадам босган эди,
Кўрди. Икки кўз чақнар,
Бурилиб боққан эди,
Бургут ётар, алҳазар.
Қапоти синган эди,
Умиди сўнган эди.
Бир елкада ўтини.
Бир елкада бургутни
Кўтариб уйга қайтди,
Айпи намозшом пайти.
Қапотга боғлаб малҳам,
Тахтакач қўйди маҳкам.
Кечалар ороми йўқ,
Елгиз эмас, кўнгли тўқ.
Мажруҳ бургутни, алҳол
Полвон бағрига олди.
Кушлар ўтди, ҳафталар,
Бургут тузалиб қолди.
Тилсиз суҳбат қурдилар,
Бир масканда турдилар.

Едилар бирга овқат,
Қилиндилар саёҳат.
Бир ой бўлди у меҳмон.
Дўст бўлинди жонажон.
«Тоглар бўлсин масканинг,
Вожиб бўлиб матлабинг».
Рухсат этди наҳлавон.—
Дея дўстим.—бўл омон.
Бургут йигитга боқди,
Сўнг секин қанот қоқди.
Қуш қилган каби ҳурмат,
Бош эди бир оз муддат.
Сўнг йўл олди тоғ томон,
Йиглаб қолди наҳлавон.
Унутмади дўстини,
Келиб турди ҳар куни.
Бир кун яна келди у,
Пастга қараб элди у.
Бир айланиб бошидан,
Келиб қўнди қошига.
Сўнг тоғ томонга учди,
Йигит ҳам йўлга тушди.
Тоғнинг усти кенг сайҳон,
Турфа гул жаннат макоп.
Бир ёнда пири булоқ,
Лолазор, яшил ўтлоқ.
Қўй-қўзи ўтлар шодон,
Кўринмас эди чўпон.
Бургут чинқирар эди.
Уш чакирар эди.
Йигит боқди у томон,
Лол қолди у шу замон.
Бир гўзал ётар ҳушсиз.
Атрофида халқоб қон,
Тепасида сор бургут
Соя солиб турарди.

Қизинг аҳволин кўриб
Тинимсиз чирқирарди.
Бир ёнда айиқ полвон,
Ерда ётарди бежон.
Бу ҳолга қолиб ҳайрон,
Полвон титрар бемажол.
Оғир нафас оларди,
Қиз чалқанча ётганча.
Кўзин очмасди, алҳол,
Кўкес тошга ботганча.
Полвон ўзин йўқотиб
Қиз бошида тош қотди.
Бағри кетди тутоқиб,
Наздида қуёш ботди...
Сўнг келиб у ҳушига
Булоқ томонга кетди.
Ховучда сув келтириб,
Қизинг юзига сенди.
Хайрият, тирик экан
Қон югурди юзига.
Полвон ўзин йўқотди
Боқиб шаҳло кўзига
Гўзал бошини кўтарди,
Уялгандан қизарди.
Кўзларида нур янглиғ
Марварид сочиларди.
Атрофга боқиб хаста
Ишгранар қиз шикаста.
«Келдингизми паҳлавон», —
«Бўлмангиз,—дея ҳайрон,—
Мен улусинг чўпони.
Тонгда бир айиқ полвон...
Бургут бўлмаса эрди,
Мешику Лийиқ ерди...
Тушди пайлай изимга,
Чанг солди сўнг юзимга.

Кўзларимдан тўкиб ёш,
Улимим кутган эдим.
Учиб келиб буюк қуш,
Маймоққа човут солди.
Қолган гап энди аён.
Шарт эмас қилмоқ баён.
Деб гўзал ерни чизди,
Йигит сукутини бузди.
«Ана, шоҳиддир худо,
Агар бўлсангиз ризо.
Сизга содиқ ёр бўлай,
Ёру интизор бўлай».
Гўзал секин кўз юмди,
Йигит завқ-шавққа тўлди.
Йигитга эгди бошини,
Тўқди марварид ёшини.
«Майли бўлай содиқ ёр,
Яшармиз шод, бахтиёр».—
Деб йигит қўлини тутди,
Бор дунёни унутди...
Қушлар ўтди, ой ўтди,
Мўрод-мақсадга етди...
Ушал гўзал қиз чўнон,
Содиқ ёри — наҳлавон.
Давр-даврон сурдилар,
Қиз-у ўғил кўрдилар.
Бургут ҳам қолди бирга
Йигит-ла бир умрга.
Уч дўст кўнгли бир бўлди
Қўшиғим охир бўлди.

Улугбек Ҳусан

ҲАЕТИМНИНГ ГУЛИСАН

Шеърлар

Муҳаррир *Ҳалима Худойбердиева*

Мусаввир *Юлай Габзалилов*

Расмлар муҳаррири *Ю. Габзалилов*

Техн. муҳаррир *Ульяна Ким*

Мусаҳҳиҳ *Моҳира Ҳўжаева*

Босмахонага берилди 25. 12. 96. Босишга рухсат этилди 7.01.97. Улчами 70×90_{1/32}. Адабий гарнитура. Шартли б. т. 1,17. Нашр т. 1,09. Жами нусха 3000. Рақамли буюртма 435. Рақамли шартнома 167—96.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.